

**Сув ҳўжалиги вазирлиги томонидан қонунчилик ҳужжатлари ижросини
таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

2026 йил 1 июль ҳолатига

“Ijro.gov.uz” тизимидаги Давлат раҳбари ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари билан вазирликка юклатилган топшириқлар ижроси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги ПФ–6166-сонли, 2025 йил 25 июлдаги ПФ–117-сонли фармонлари ҳамда 2021 йил 31 майдаги ПҚ–5132-сонли қарори асосида ташкил қилинган ягона ва узлуксиз “технологик занжир” асосида амалга оширилиб, ижро интизомига риоя этиш борасида қатъий тартиб, интизом ва тизимли назорат ўрнатилиб, муайян натижадорликка эришилди.

Ҳар ҳафтанинг душанба кунлари вазир ҳузурида ҳамда жума кунлари вазирнинг ижро интизомига масъул ўринбосани ҳузурида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Администрация раҳбари ва Ҳукуматнинг ҳужжатлари билан вазирликка юклатилган топшириқлар ижроси танқидий муҳокама қилиб борилмоқда.

2026 йилнинг июнь ойида ижроси таъминланиши лозим бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти, Администрация раҳбари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси топшириқларини 25 июнга қадар ижросини таъминлашга қаратилган I–II картотека топшириқлар рўйхати 8 май куни, вазир ўринбосарлари кесимидаги Календарь режа ҳамда “Йўл харита”лар ишлаб чиқилиб, вазир Ш.Хамраев имзоси билан эслатма ва ижро учун барча вазир ўринбосарлари, вазирлик марказий аппаратининг бошқарма ва мустақил бўлим бошлиқлари ҳамда вазирлик тасарруфидаги республика ташкилотлари раҳбарларига етказилган.

Жорий йилнинг июнь ойида вазирлик асосий ижрочи бўлган Давлат раҳбарининг жами 277 та топшириқларидан 275 таси, яъни 99,3 фоизи бажарилган, 1 тасини муддат узайтириш юзасидан Адлия вазирлигига таклифлар киритилган ва 1 тасини бажариш чоралари кўрилмоқда, Президент Администрацияси раҳбарининг 43 та топшириқларидан 42 таси, яъни 97,7 фоизи бажарилган, 1 тасини бажариш чоралари кўрилмоқда ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 36 та топшириқлари тўлиқ бажарилган.

Шунингдек, 2026 йил июль ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 341 та, Администрация раҳбарининг 38 та ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 35 та топшириғи назоратга олинган.

Ташкилий назорат ва таҳлил бўлими